Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 89 (20. 656) • 1990 йил 17 апрель, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

КУН ТАРТИБИДА—ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ

14 апрель куни Кремлда СССР Президенти М. С. Горбачев раислигида СССР Федерация Кенгаши билан Президентлик кенгашининг қўшма мажлиси бўлди.

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Давлат план комитетининг раиси Ю. Д. Маслюковнинг «СССРда тартибга солиб туриладиган бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисида»ги маърузаси тингланди. Маъруза юзасидан фикр алмашув бўлди. Ч. Т. Айтматов, В. И. Воротников, А. Э. Каулс, Н. А. Назарбоев, Ю. А. Осипьян, Е. М. Примаков, В. Г. Распутин, Г. И. Ревенко, Э. А. Шеварднадзе, В. С. Шевченко, А. Н. Яковлев, В. А. Ярин, шунингдек мажлисга таклиф этилган иқтисодчи олимлар А. Г. Аганбегян, Г. А. Арбатов, О. Т. Богомолов, В. А. Мартинов, Ю. В. Яременко сўзга чиқдилар.

Фикр-мулоҳазалар ва нуқтаи назарлар ниҳоятда хилма-хил бўлгани ҳолда, барча нотиқлар турмуш иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш, иқтисодиётга раҳбарликнинг янги усуллари ҳамда хўжалик юритишнинг янги шаклларини қидириш ва уларни фаол жорий этиш зарурлигини тақозо этаётганлиги тўғрисидаги фикрга қўшилдилар. Ушбу соҳада тадбирларни амалга оширишни энди сусайтириш мумкин эмаслиги таъкидланди.

Муҳокамани келаси ҳафтада давом эттиришга қарор қилинди.

(ТАСС).

КЕЛАЖАГИМИЗ—МАКТАБДА

СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, маҳаллий Советлар депутатлари, жамоатчилик ташкилотлари, министрликлар, идоралар, корхоналар ва кооперативларнинг раҳбарлари, меҳнат коллективлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари, халқ таълими ходимлари, ота-оналар жамоатчилиги, кўпмиллатли жумҳуриятимизда истиқомат қилувчи барча меҳнаткашларга мурожаатнома

ЖУМҲУРИЯТИМИЗнинг миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиёти бевосита мактабга боғлиқ. Бу фикр ҳаммага маъқул бўлса керак, деб ўйлаймиз.

Халқ донишмандлари элимизнинг буюк мутафаккирлари Фаробий ва Беруний, Улуғбек ва Навоий, Завқий ва Фурқат, Ҳамза ва Аваз Ўтар фақат маориф ва маданият орқали инсон ва давлатнинг келажакда гуллаб-яшнашини ўз даврларида кўра олдилар. Улуғбек ўзининг машҳур мадрасаси пештоғига «Илм олиш ҳар бир эркак ва аёл мусулмон учун ҳам фарз, ҳам қарздир» деган ибораларни ёзиб қўйганди.

Совет Ўзбекистони тарихининг ёрқин саҳифаси — унинг халқ таълими тараққиётидан иборат бўлиб, миллионлаб кишиларнинг жаҳолатдан билим сари улкан қадам ташлашларига замин яратди. Ана шунга асосланадиган бўлсак, бугун мезон ҳам, талаб ҳам янгиланиш даврида янгичасига иш тутишни тақозо этади. Халқаро саводхонлик йилида биз фарзандларимизнинг илм олишда бирмунча орқада қолаётганликлари; аксарият ёшлар орасида билим олишга қизиқиш жуда суст даражада эканлиги хусусида ўйлаб кўришнинг айни пайти келганлигини унутмаслигимиз керак. Сир эмас, мактабларимизда болаларнинг бир қисми ҳанузгача ҳижжалаб ўқийди, ёзганда хатоларга йўл қўяди, ҳисоблашни яхши билмайди, бундай эътиборсизлик натижасида мактаб ишини қайта қуриш, кўриниб турибдики, жамиятдаги қайта қуришдан орқада қолмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳар саккиз мактабдан биттаси авария ҳолатида эканлиги, мактабларнинг 70 фоизида болалар икки, ҳатто уч сменада ўқишаётганини кўриб виждонимиз ўртанмай, изтироб чекмай бўладими. Парталар, шунингдек мактабга тааллуқли бошқа буюмлар, таълимнинг замонавий техника воситалари ҳанузгача етишмайди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ўқувчилар замонавий дарсликларсиз ўқиб келишмоқда. Ёшларга тарбия беришда аксарият ўқитувчи ва тарбиячилар эътиборсизликка йўл қўймоқдалар. Натижада, бу ҳол айниқса қишлоқ мактабларида оғир вазиятни вужудга келтирди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети халқ таълимини соғломлаштириш учун амалий чора-тадбирлар белгиламоқдалар. Аммо бутун жумҳуриятни, унинг ҳар бир аҳолисини мактаб ҳашарига сафарбар этмай туриб, юқорида қайд этилган нуқсонларни бартараф қила олмаймиз. Акс ҳолда биз ёшлар олдида, Ўзбекистонимиз келажаги олдида юзимиз шувит бўлиб қолади.

Яқиндагина Ўзбекистон ССР ва маҳаллий Советлар халқ депутатлари сайлови ўтказилди, партия конференциялари, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ҳамда КПСС XXVIII съезди арафасида турибмиз.

Биз Ўзбекистон ССР ва СССР халқ депутатларига, маҳаллий Советларнинг депутатларига мурожаат қиламиз

Халқ сизларга ишонч билдириб, жумҳуриятда ва жойларда бутун ҳокимиятни топшириб қўйди. Шундай экан, ҳозирги замон кишисига муносиб халқ таълими системасини таркиб топтириш учун ундан тўла-тўкис фойдаланиш лозим.

Маорифга сарфланадиган миллий даромад улушини анча кўпайтириш, барча маҳаллий имкониятларни мактаб ишида жадал, аниқ силжишлар бўлиши учун сафарбар этиш керак.

Мактабда қайта қуриш жараёнлари ишончли ҳуқуқий асосга муҳтож — халқ таълими тўғрисида Ўзбекистон ССРнинг янги Қонунини қабул қилиш зарурати етилди.

Мамлакатда, жумҳуриятда қайта қуриш инсонга қаратилган экан, фарзандларимиз, оилаларимиз турмуш шароитини уларнинг фаровонлигини тобора яхшилайлик, ёш авлод тарбияси йўлида ҳамжиҳат бўлиб, пухта замин яратайлик.

Кўпгина депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурларида мактабга ёрдам бериш тўғрисидаги бандлар алоҳида қайд этилган эди. Мактаб муаммолари халқ сайлаган ҳар бир депутат ғайрат-шижоатининг мажбурий таркибий қисмидан ўрин олсин, сайловчилар эса депутатларнинг ҳисоботлари мобайнида бу ҳаракатларнинг аниқлиги устидан назорат олиб боришсин.

Бизга «Қишлоқ мактаби» жумҳурият, вилоят дастурлари, уларнинг амалга оширилиши устидан жамоат-давлат назорати, хўжаликлар берадиган қўшимча маблағлардан, колхозлар, кооперативларнинг кўнгилли ажратмаларидан, хусусий кишилардан, шунингдек мактаб жамоат ташкилотларининг ўзлари ишлаб топган маблағлари ҳисобига қишлоқ мактаби фондлари ташкил этишимиз зарур.

Депутат ўртоқлар, мактабни қайта қуришни жадаллаштириш ва чуқурлаштиришда халқ таълими, район, шаҳар Советларининг фаолияти ва мавқеини кучайтиришни таъминлаш сизларга боғлиқдир.

Биз коммунистларга, партия конференциялари, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ва КПСС XXVIII съезди делегатларига мурожаат қиламиз

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури, КПСС Устави лойиҳаларини, Ўзбекистон Компартияси ҳаракатининг сиёсий программасини муҳокама қилиш чоғида қайта қуриш вазифаларини рўёбга чиқаришда халқ таълимидаги устун даражада ривожлантиришни, шунингдек, бундан партия ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифаларини аниқ белгилаб олинг.

Меҳнат коллективларида оталиқдаги мактабларга таъсирчан самарали ёрдам кўрсатиш заруратини тушунтириш бўйича иш олиб боринг. Маориф ва маданиятни ривожлантириш манфаатлари йўлида турли жамоатчилик ташаббусларини ва ҳайр-эҳсонларни қўллаб-қувватланг. Тошкент шаҳар Куйбишев районининг меҳнат коллективларидан, гражданлардан келадиган тушумлар ҳисобига болаликка ёрдам берувчи район фондини ташкил этиш соҳасидаги тажрибасини оммалаштиринг.

Биз лойиҳаловчилар, бинокорларга, мактабларни қуриш ва жиҳозлашга даҳлдор барча кишиларга мурожаат қиламиз

Ўзбекистон мактаблари жумҳуриятнинг меъморчилик анъаналарига тўлақонли жавоб бера оладиган, ўқувчи ёшларнинг ҳар томонлама ўсиши учун барча зарур имкониятларга эга бўлсин. Мактаб биноларини ўз вақтида, фақат юксак сифатли ҳамда барча зарур жиҳозлар билан таъминланган ҳолда фойдалашга топширилиши бинокорлару таъминотчиларнинг энг муҳим ва долзарб иши бўлиб қолмоғи керак.

Биз министрлик ва идоралар, корхоналар, кооперативлар раҳбарларига, меҳнат коллективларига мурожаат қиламиз

Бугунги мактаб ўқувчилари — келажакда ишлаб чиқаришдаги яратувчи инсонлардир. Эндиликда хўжалик ҳисобига тўлиқ ўтиш ҳаётган бир даврда кўпгина хўжаликлар, корхона ва бирлашмалар мактабга ёрдам кўрсатишни ўз зиммаларидан соқит қилишга уринмоқдалар, бўлажак мутахассислар тайёрлаш учун ҳаражатларни камайтирмоқдалар. Бу ўринда бир нарсани аниқ тушуниш керакки, маорифга, мутахассислар тайёрлашга маблағ сарфлаш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан энг самарали иш дир. Бундай хайрли ишга ғамхўрлик қилмайдиган жамоат ташкилоти ўзини ўзи алдайди, абгор қилади. Ўзини ўзи келажакдан маҳрум этади.

Ўқувчиларни баҳоли қудрат меҳнатга жалб этишда болалар техник ижодкорлигини ривожлантириш учун шароит яратишга кўмаклашинг.

Мактаб жиҳозларини тайёрлаш ва биноларни қайта қуриш учун корхоналарда махсус жойлар, цехлар ташкил этинг ва бунга имкон яратинг, солиқ имтиёзлари белгиланган ҳолда кооперативлар ҳолатидан фойдаланишни жорий қилинг.

Биз нашриётлар, полиграфия ходимларига мурожаат қиламиз

Мактаблар буюртмалари — ўз муддатида ва сифатли бажарилсин. Фарзандларимиз янги, қизиқарли, тушунарли, чиройли, замонавий дарсликлар, қўлланмалар, маълумотномалар, луғатлар, она тилидаги бадиий адабиётларга эга бўлишни истайдилар. Ўқувчиларнинг дарсликларни танлаб олишларига имконият яратилмоғи керак.

Биз фан, адабиёт ва санъат ижодкорларига мурожаат қиламиз

Ҳамид Олимжон урушдан олдинги йиллардаёқ ўз ҳамкасблари билан бирга: «Болалар ижодиётини ўстиришга ҳар томонлама кўмаклашайлик», деб ёзган эди. Бу сўзлар бугунги кунда ҳам ўз кучини ва жарангини йўқотгани йўқ.

Ҳар бирингиз мактабни ривожлантиришда, ҳеч бўлмаганда бир ўқувчига, синфга, мактабга фан ва миллий маданият чўққиларини, мамлакат ва дунё халқлари маданиятини яхшироқ билиб олишда, халқ таълимига — таълим ва тарбия янги мазмунини чуқурлаштиришда, иқтидорли, салоҳиятли ўқувчиларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини ўстиришнинг таъсирчан йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ўз ўрнингизни белгилаб олинг.

Жумҳуриятда Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонун амалга оширилмоқда. Она тилини мукаммал ўрганиш — миллий мактабнинг асоси. Биз Ўзбекистонда аҳолининг она тилида таълим олиши борасидаги эҳтиёжларини тўла-тўкис қондиришга ҳаракат қилаётирмиз. Ёшлар ўртасида она тилини чуқур эгаллашнинг аҳамиятини ошириш унинг ўқитилиш самарадорлигини кўтаришда ўқитувчиларга ёрдам кўрсатиш, рус тилида сўзлашувчи аҳолига жумҳуриятда давлат тилини ўзлаштиришда кўмаклашиш ёзувчилар ва шоирларнинг, тилшунос олимларнинг инсоний бурчидир.

Ўқувчилар Ўзбекистон тарихига оид қайта ишланган янги дарсликларга катта эҳтиёж сезмоқда. Бу дарсликларда «оқ доғ»ларга ўрин бўлмаслиги керак.

Барча синфлар учун ана шундай китоблар яратишда ёрдам бериш тарихчиларимиз, ёзувчиларимиз, публицистларимизнинг олижаноб ишидир.

Биз ўқитувчилар, тарбиячилар, халқ таълими идоралари ходимларига мурожаат қиламиз

Ойбек ҳаққоний равишда «Ўқитувчи — ер юзидаги энг асосий касб. У бўлмаса физиклар ҳам, лириклар ҳам бўлмас эди», — деб ёзган эди.

Қайта қуриш ўқитувчи тўғрисидаги масалани айниқса кескин қилиб қўйди. Жамиятда мактабга болаларга юрагини бахшида этган, ўз фанини чуқур биладиган, ранг-баранг методик воситаларни эгаллаган, муфассал психологик-педагогик тайёргарлик кўрган муаллимлар керак. Бугунги кунда ўқитувчи — янгиланиш мафкураси тарғиботчиси бўлмоғи лозим.

Биз халқнинг ўз муаллимларига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш анъанасига қайтиш йўлидан бормоқдамиз. Ўқитувчилар, муаллимларнинг яхши шароитларда ишлашлари, яшашлари ва дам олишлари учун барча эҳтиёжларни қондиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳозирча бу иш бироз талаб даражасида эмас. Аммо ўқитувчилар ҳам ўзларининг юксак номларига муносиб бўлишга ҳаракат қилишлари, мактабни қайта қуришда фаол иштирок этишлари керак.

Жумҳуриятда халқ маорифини бошқаришнинг янги ташкилотлари таркиб топмоқда. Улар халқ таълими соҳасида ягона давлат сиёсатини қатъий амалга оширувчилар бўлмоқлари, узлуксиз таълимнинг илғор усулларини яратиш борасида куч-ғайрат билан ишлашлари, Ўзбекистондаги тажрибали ва илғор ўқитувчилар, тарбиячиларнинг яратган янги-янги изланишларини қўллаб-қувватлашлари зарур.

Халқ олдида халқ таълими идораларининг ҳисобот бериш жараёнида халқ таълими бўйича маҳаллий, жумҳурият анжуманларида, ота-оналар кенгашларида бунга доир барча муҳим ишларни амалга ошириш керак.

Биз ота-оналар жамоатчилигига мурожаат қиламиз

Буюк алломамиз Навоий болани «Меҳри анвар» — хонадонни чароғон қилувчи, оилага қувонч, бахт олиб келувчи машъала деб таърифлаган эди. Шуни ёдда тутингки, сизларнинг фарзандларингиз, неваларингиз жумҳуриятнинг келажакдаги истиқболидир. Имконият ва қобилиятингизга қараб мактабга кўмаклашинг; мактаб кенгашлари, халқ таълими бўйича кенгашлар орқали мактаб ҳаётини ташкил этишда, болаларнинг тўлақонли, баркамол ўсиши учун шарт-шароитлар яратишда, ўқитувчига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлишни шакллантиришда фаол иштирок этинг. Аваз Ўтар ўғлининг қуйидаги сўзларини эсланг:

Очинглар миллати вайронин обод этгуси мактаб,
Ўқисин ёшларимиз, кўнглини шод эзгуси мактаб
Дилу жон бирла эл мактаб очарга иждиҳод этсун
Нединким, бизнигам қайгудин озод этгуси мактаб.

Биз ўқувчиларга, пионер ва комсомолларга мурожаат қиламиз

Бугунги кунда жамият, жумҳуриятимиз ҳар қачонгидан кўра сизнинг билимингиз, қобилиятингиз, истеъдодингизга катта эҳтиёж сезмоқда. Сизни ўқувчиликдек бахтли кайфият, табиатни, жамиятни, атрофингиздаги кишиларни ва ўз-ўзингизни билиб олишга интилиш иштиёқи асло тарк этмасин. Аждодларимиз яратган маданият, она тили, барча мавжуд маънавий бойликларни эгаллаб олинг.

Чуқур билим — миллий қадр-қиймат, жумҳурият ва мамлакатнинг гуллаб-яшнаши сари ёрқин йўлга олиб чиқади.

«Билимдан маҳрум бўлган халқ ўлимга маҳкумдир, чунки ҳар бир халқда мактаб ҳамиша ҳурмат-эҳтиром қилинади!» — деб ёзган эди Ҳамза Ҳакимзода.

Биз жумҳуриятнинг барча аҳолисига мурожаат қиламиз

Бизнинг келажагимиз, Ўзбекистоннинг эртанги куни мактабда. Мактабни бахтли қилсак — эртанги кунимиз ҳам бахтли, саодатли бўлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети

В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллиги олдидан



МЎЪТАБАР ДАРГОҲ

БУГУН В. И. ЛЕНИН МАРКАЗИЙ МУЗЕЙИ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ОЧИЛГАНИГА 20 ЙИЛ ТЎЛДИ

„Бундан йигирма йил муқаддам доҳий таваллудининг 100 йиллиги арафасида Тошкентда В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали очилганди. Замонавий мармар кошонанинг бунёд этилишида шаҳардаги кўпгина корхоналарнинг жамоалари муносиб куч-ғайрат сарфлаб, ҳашар ўтказдилар.

Доҳийнинг муборак номи билан аталмиш бу мўътабар даргоҳ чиндан ҳам жумҳуриятимиз меҳнаткашларининг севимли масканига айланиб қолди. У Ленининг жўшқин ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилибгина қолмай, балки унинг ғоялари тарғиб қилинадиган, коммунистларнинг дунёқарашини шакллантирадиган, ёшларни социализм ишига содиқлик руҳида тарбиялайдиган масканга айланди.

Ўтган йигирма йил мобайнида бу даргоҳни зиёрат қилган кишиларнинг умумий сони 10 миллионга яқинлашиб бормоқда.

Шу кунларда музей илмий ходимлари В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига атаб ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Кўпгина экспонатлар янгиланмоқда, янги-янги жиҳозлар намойишга қўйиляпти. Айниқса, ҳозирги қайта қуриш даврига бағишланган залдаги қизиқарли маълумотлар ва суратлар кўпчиликнинг диққатини ўзига жалб этмоқда. Уларда мамлакатимизда ҳокимиятни бошқаришда Советларга кенг ўрин берилаётганлиги акс эттирилган.

Музей ходимлари доҳий таваллуди юбилейи арафасида икки кўргазмани тайёр қилишяпти. Улар Тошкент Давлат университети ташкил топганлигининг 70 йиллиги ва асрлар бўйи қақраб ётган Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақида Ленин имзолаган Декретнинг 50 йиллигига бағишланган кўргазмалардир.



Суратларда: В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидан лавҳалар.

В. МОЛГАЧЕВ суратлари.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҚОНУНИ

ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар иқтисодий муносабатларининг асослари тўғрисида

Ушбу Қонун ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар иқтисодий муносабатларининг асосларини белгилаб беради. У ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар федерализми, иқтисодий мустақиллиги ва ўзаро масъулияти принципларига асосланади. Қонунда ССР Иттифоқи ва республикаларнинг иқтисодий соҳадаги ваколатлари белгилаб берилади, уларнинг молиявий-иқтисодий муносабатлари аниқлаб қўйилади, уларнинг умумиттифоқ бозорида иштирок этишининг ҳуқуқий асослари белгиланади, ССР Иттифоқи ва республикалар муносабатларининг қонуний ва шартнома шакллари, иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва округлар, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ҳуқуқларининг ва корхоналар мустақиллигининг кафолатлари кўзда тутилади.

1-модда. ССР Иттифоқининг иқтисодий соҳадаги ваколатлари

1. Қуйидагилар ССР Иттифоқининг ихтиёридадир:

ССРда хўжалик фаолиятининг ва умумиттифоқ бозори амал қилишининг қонуний асосларини белгилаб бериш;

ССРда солиқ системасини ташкил этиш, умумдавлат солиқларини, йиғимлар ва бюджетга мажбурий тўловларни, солиқ солишнинг энг кўп миқдорини белгилаб қўйиш;

Иттифоқ бюджетини тузиш, тасдиқлаш ва ижро этиш;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқиш, умумиттифоқ программаларини тузиш ва амалга ошириш;

нарх белгилашга, молия-кредит системасини ташкил этиш ва ягона пул муомаласига доир умумий сиёсатни амалга ошириш;

Умумиттифоқ резерв, суғурта фондлари ва бошқа фондларни ташкил этиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан фойдаланишнинг умумий нормалари ва қоидаларини белгилаш;

темир йўл, ҳаво, денгиз ва магистрал газ қувурлари транспортини, мудофаа объектларини, космик системаларни, ССР Ягона энергетика системасини, Умумиттифоқ алоқа ва ахборот системаларини, шунингдек ССР қонунларига ҳамда ССР Иттифоқининг ва республикаларнинг битимларига мувофиқ Умумиттифоқ давлат мулкига тааллуқли объектларни бошқариш;

инвестиция ва амортизация сиёсати; фан ва техника; аҳолининг иш билан бандлиги ва кўчиб юриши; халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва маданият масалаларида республикаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ССРда меҳнатга ҳақ тўлашнинг, пенсия таъминоти ва ижтимоий таъминот бошқа турларининг энг кам миқдорини белгилаш;

Умумиттифоқ ташқи иқтисодий сиёсатнинг асосларини ва бу сиёсатни ўтказишни белгилаш;

ССР территориясида бож олишнинг бирлиги негизида бож ишлари, бож пошлиналари ва бож йиғимларини ташкил этишнинг принципларини белгилаб бериш; ССРнинг иқтисодий зона чегараларини ва қитъа соҳилбўйи зоналарини белгилаш ва уларни муҳофаза қилиш;

ССР Иттифоқининг чет давлатларга давлат йўли билан қарз ва иқтисодий ёрдам бериши, ССР Иттифоқи хорижий манбалардан олиладиган давлат қарзлари ва кредитлари тўғрисида битимлар тузиш;

(Давоми иккинчи бетда).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҚОНУНИ

ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар иқтисодий муносабатларининг асослари тўғрисида

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар, корхоналар, ташкилотлар ва ССР гражданларининг иқтисодий манфаатларини чет элларда ҳимоя қилиш;

Умумиттифоқ статистика ва бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш;

ягона патент ва об-ҳавони кузатиш хизматини, ягона вақт, ўлчов ва тарози хизматини ташкил этиш, Умумиттифоқ стандартларини белгилаш.

2. ССР Иттифоқи ўзи бошқарадиган соҳаларни Қонун билан тартибга солади, бошқарувнинг умумиттифоқ органларини тузади, уларнинг ишида иттифоқдош ва манфаатдор автоном республикалар вакиллари иштирок этадилар, ССР Иттифоқи зарур ҳолларда республикалар билан иқтисодий масалаларда битимлар тузади.

2-модда. Иттифоқдош ва автоном республикалар иқтисодий мустақиллигининг асослари

1. Иттифоқдош ва автоном республикалар СССР Конституцияси, ССР қонунлари ва ушбу қонун билан ССР Иттифоқи ихтиёрига берилган масалалардан ташқари барча иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал қилишга ваколатлидирлар.

2. Иттифоқдош ва автоном республикалар ўз территорияларида ССР қонунларига риоя қилган ҳолда:

ерга, бошқа табиат ресурсларига эгалик қиладилар ва бу ресурслардан ўз манфаатларини ва ССР, Иттифоқи манфаатларини кўзлаб фойдаланадилар;

республика территориясида хўжалик фаолияти шартларини тартибга солиб турадиган қонунларни ва бошқа норматив ҳужжатларни қабул қиладилар;

солиқ солиш масалаларини ҳал қиладилар ва бюджет фаолиятини амалга оширадилар;

ўз территориясининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини тартибга солиб турадилар, шунингдек иқтисодиётни ривожлантиришга доир умумдавлат қарорларини ва уларни амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқишда қатнашадилар;

республика территориясида инвестиция фаолиятини ва қурилиш шарт-шароитларини тартибга солиб турадилар;

Умумиттифоқ нарх белгилаш сиёсатидан келиб чиқиб, нархларни тартибга солиб турадилар;

пул муомаласини тартибга солишда қатнашадилар, республика банкларининг фаолиятига раҳбарлик қиладилар;

СССРнинг халқаро шартномаларида ҳамда ССР Иттифоқи билан республика ўртасидаги битимларда кўзда тутилган мажбуриятларни ҳисобга олиб, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширадилар; чегара ва соҳилбўйи савдосини олиб борадилар, барпо этилаётган қўшма корхоналарни, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларни рўйхатга оладилар, корхоналар ва ташкилотларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини рағбатлантирадилар; республика валюта фондини шакллантирадилар ва ундан фойдаланадилар;

аҳолининг ижтимоий жиҳатдан юксалиши, иш билан таъминланиши, аҳоли даромадларини тартибга солиш масалаларини ҳал қиладилар, СССР қонунлари билан белгилаб қўйилган меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсия таъминоти ва ижтимоий таъминот бошқа турларининг энг кам миқдорини таъмин этадилар;

экологик хавфсизлик нормаларини белгилайдилар ҳамда республика территориясида табиатни муҳофаза қилишга доир фаолиятни амалга оширадилар, табиатдан фойдаланишнинг лимитлари ва нормативларини белгилаб берадилар ҳамда корхоналар ва ташкилотлар фаолиятига рухсатнома берадилар ва бундай фаолиятни тақиқлаб қўйдилар;

республика давлат бошқаруви органларини тузадилар ва уларнинг вазифаларини белгилаб берадилар;

иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг ССР Иттифоқи ихтиёрига берилмаган бошқа масалаларини ҳал қиладилар.

3-модда. ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар молиявий ва бюджет муносабатларининг асослари

1. Иттифоқ бюджети, республикалар (иттифоқдош ва автоном республикалар)нинг мустақил бюджетлари ва маҳаллий бюджетлар СССР бюджет системасини ташкил этади.

Иттифоқ бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этиш тартибини СССР Олий Совети, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг республика бюджетларини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этиш тартибини эса ана шу республикаларнинг қонунлари белгилаб беради.

2. Бутун СССР территориясида ундириладиган ва тўла ёки қисман Иттифоқ бюджетини шакллантиришга кетадиган умумдавлат солиқларини, йиғимлар ва мажбурий тўловларни белгилаб қўйиш ССР Иттифоқи ваколатига киради. Ана шундай солиқлар, йиғимлар ва тўловларнинг рўйхатини ҳамда ставкалари миқдорини СССР Олий Совети белгилаб беради. Иттифоқдош ва автоном республикалар давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ССР Иттифоқи қонунларида белгилаб қўйилган доирада умумдавлат солиқлари ва бошқа умумдавлат мажбурий тўловларини ундириш масалаларини ҳал қиладилар.

3. Иттифоқдош ва автоном республикалар ССР Иттифоқи қонунларига мувофиқ иттифоқдош ва республикалар ўз территориясида ундириб олинадиган ва ўз бюджетига ўтказиладиган республика солиқларини, йиғимлар ва мажбурий тўловларни, шу жумладан табиат ресурслари учун тўловларни белгилайдилар.

4. Иттифоқ бюджети даромадлари умумдавлат солиқлари, йиғимлари ва мажбурий тўловлардан (иттифоқдош ва автоном республикаларнинг республика бюджетларига, автоном областлар ва округларнинг бюджетларига ҳамда маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган қисмидан ташқари), Умумиттифоқ мулкидан фойдаланишдан, Иттифоқ органлари амалга оширадиган тадбирлардан тушган даромадлардан иборат бўлади. Иттифоқ бюджети даромад манбалари ва ҳаражатлар структурасининг рўйхати, жумладан иттифоқдош ва автоном республикаларга субвенциялар беришга кетган ҳаражатлар рўйхатини СССР Олий Совети белгилаб беради.

5. Иттифоқ органлари иттифоқдош ва автоном республикаларнинг органлари билан биргаликда Умумиттифоқ ва республикаларо илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий, табиатни муҳофаза қилиш программаларини ва бошқа программаларни, шунингдек табиий офатлар, фалокатлар ва аварияларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир ишларни пул билан таъминлаш учун регионал тараққиёт, резерв, инновация, табиатни муҳофаза қилиш фондларини ва бошқа Умумиттифоқ фондларини ташкил этадилар.

6. СССР Давлат банки ягона пул бирлиги — сўм асосида пул муомаласини янги пул чиқаришни тартибга солиб туради, сўмнинг чет эл валюталарига нисбатан қийматини, уни алмаштириш қоидаларини, валюта бойликларини сотиш ва сотиб олиш тартибини белгилайди, ташқи иқтисодий алоқаларда ягона кредит сиёсатини ўтказади.

4-модда. Умумиттифоқ бозори

1. Мулкчиликнинг барча шакллари беллашуви ва тенг ҳуқуқлиги шароитида монополияга қарши ва бозор тўғрисидаги бошқа қонунларни ҳисобга олиб, ўз хўжалик фаолиятини амалга оширувчи корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва якка тартибда товар ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллиги Умумиттифоқ бозорини шакллантириш ва у амал қилишининг негизидир.

Корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва якка тартибда товар ишлаб чиқарувчиларнинг республика бошқарув органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан иқтисодий муносабатлари, агар қонунларда ўзга ҳол кўзда тутилмаган бўлса, солиқ ва шартнома асосига қурилади.

2. ССР Иттифоқи давлат органларининг, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Умумиттифоқ бозорини тартибга солиш ва ҳимоя қилишга доир ваколатларини, шунингдек Умумиттифоқ бозори қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва вазифаларини, уларга берилган афзалликлар ва имтиёзларни ССР қонунлари белгилаб қўяди.

3. ССР территориясида товар айирбош қилиш республика бозорларининг очиқлиги ва бож тўсиқлари йўқлиги шароитида таркиб топади, эркин омилкорлик зоналарида ташкил этиладиган бозорлар бундан истисно, бундай бозорлар учун Иттифоқ ва республика қонунлари билан алоҳида иқтисодий ва ҳуқуқий режимлар белгилаб қўйилади.

Республикаларо товар айирбош қилиш соҳасида бирор республиканинг, ундаги юридик шахслар ва гражданларнинг камситилишига йўл қўйилмайди.

Иттифоқдош, автоном республикалар бошқа иттифоқдош, автоном республикалар билан ўзаро келишмай туриб моллар ва молиявий ресурсларни олиб келиш ва олиб чиқиб кетишни чеклаб қўйишга, ўз территорияларидан юк олиб ўтилишига тўсқинлик қилишга, бошқа республикалардаги гражданлар ва юридик шахсларнинг мулки ҳисобланган мол-мулк ва пул маблағларини шу территориядан ташқарига кўчиришга, транзит тўловларни жорий этишга ҳақли эмаслар.

4. Иттифоқдош ва автоном республикалар ўз ваколатлари доирасида ўз территорияларида товарлар ва хизматлар бозорини солиқ солиш ва нарх белгилаш системаси орқали тартибга солишга, республика бюджети ҳисобидан молларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва уларни сотиш юзасидан имтиёз белгилашга ҳақлидирлар.

5. Иттифоқдош ва автоном республикалар ўз территорияларида ўз ваколатлари доирасида қонун йўли билан барча инвесторлар (капитал маблағ сарфловчилар) учун мол-мулкни сотиб олиш ва капитал маблағ сарфлашни амалга ошириш тартибини белгилаб қўядилар. Республика қонунлари инвесторларга пудратчи ташкилотларни танлашга, шунингдек сарфланган инвестицияни қайтариб олишга ҳамда олинган даромадларни олиб чиқиб кетишга кафолат беради.

6. Хўжалик юритиш субъектларига кредит, ҳисобкитоб ва суғурта хизматини СССР Давлат банки муассасалари, мустақил савдосотиқ банклари, суғурта жамиятлари ҳамда СССР ва республика қонунларига мувофиқ барпо этиладиган ва иш олиб борадиган ўзга кредит муассасалари амалга оширадилар.

7. Умумиттифоқ бозорида акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ва уларни муомалага чиқариш тегишли Иттифоқ ва республика қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

5-модда. ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар иқтисодий алоқаларининг шартнома шакллари

1. ССР Иттифоқи ва республикалар, шунингдек республикаларнинг ўзлари орасидаги тегишли қонунларда кўзда тутилмаган иқтисодий муносабатлар икки томонлама ва кўп томонлама битимлар билан тартибга солинади. Республикалар мулки ҳисобланган молмулкни республикалараро айирбош қилиш ва бир-бирига топшириш масалалари шартнома асосида ҳал қилинади, худди шу асосда қўшма корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ҳамда ягона бошқарув органлари тузилади, ижтимоий-иқтисодий вазифаларни биргаликда ҳал қилиш учун фондлар тузилади. Битимларда зарур план, фараз, савдосотиқ, илмий-техникавий ва бошқа ахборотларни алмаштириб туриш кўзда тутилиши мумкин.

Бошқа республикаларнинг манфаатлари камситиладиган ёки Умумиттифоқ бозори бирлигига путур етказадиган биргаликдаги ҳаракатлар ҳақида республикалараро битимлар тузилиши мумкин эмас.

2. Иттифоқдош ва автоном республикалар ССР Иттифоқи пойтахтида ва бошқа республикаларнинг пойтахтларида ўз ваколатхоналарини таъсис этишлари, уларни республика бюджети маблағи ҳисобидан сақлаб туришлари мумкин.

ССР Иттифоқи давлат бошқарув органлари республикаларнинг розилиги билан уларнинг территориясида ўз хизматлари ва бўлинмаларини тузиши мумкин.

6-модда. Иттифоқдош ва автоном республикалар иқтисодий мустақиллигининг кафолатлари

1. Иттифоқдош ва автоном республикалар ССР Иттифоқи ихтиёрига берилган иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал қилишда СССР халқ депутатлари Съездида, СССР Олий Советида, СССР Олий Совети Президиумида, СССР Федерация Кенгаши ва ҳукуматида ҳамда ССР Иттифоқининг бошқа органларида иштирок этадилар. Иттифоқ шартномасига риоя қилинишни билан боғлиқ масалалар Федерация Кенгашида автоном республикалар, автоном областлар ва округлар давлат юқори мансабдор шахслари иштирокида кўриб чиқилади.

2. Республикаларнинг олий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ССР Иттифоқи олий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг иқтисодий муносабатларни тартибга соладиган ҳужжатларининг СССР Конституциясига ва СССР қонунларига мослиги ё мос эмаслиги тўғрисидаги масалаларни СССР Конституцион назорат комитети кўриб чиқиши учун киритишлари мумкин.

3. Иттифоқдош ва автоном республикалар СССР Министрлар Советининг ана шу республикаларнинг иқтисодий манфаатларига зид қарорлари ва фармойишлари амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимос билан СССР Президентига мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

4. Иттифоқдош ва автоном республикалар олий давлат бошқарув органлари СССР Министрлар Советига унга бўйсунувчи бошқарув органларининг республикалар иқтисодий манфаатларига зид ҳужжатлари ҳақида норозилик билдиришга ҳақлидирлар. СССР Министрлар Совети бу норозиликни бир ой муддатда кўриб чиқади ва узил-кесил қарор қабул қилади.

Республикалар ҳукуматлари норозилик билдирилган ҳужжатларнинг ўз территорияларида амал қилишини бу норозилик кўриб чиқилаётган пайтда тўхтатиб туришлари мумкин.

5. ССР Иттифоқи ҳукумати билан иттифоқдош ва автоном республикалар ўртасида, шунингдек республикалар ўртасида СССР қонунларини, СССР ҳукуматининг қарорлари ва фармойишларини ижро этиш чоғида иқтисодий масалалар юзасидан вужудга келган келишмовчиликлар СССР Олий Советида Федерация Кенгашининг тавсиялари ҳисобга олиниб кўриб чиқилади.

7-модда. Автоном областлар ва округлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва корхоналар иқтисодий мустақиллигининг кафолатлари

1. Автоном областлар ва округларнинг иқтисодий соҳадаги ваколатларини СССР ва иттифоқдош республикаларнинг қонунлари белгилаб беради, улар автоном областлар ва округларнинг мустақил равишда хўжалик юритиш ҳуқуқларига кафолат беради.

2. Автоном областлар ва округлар ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларига мувофиқ равишда ўз территорияларида ерга, бошқа табиат ресурсларига, шунингдек ўз мулки ҳисобланган мол-мулкларга эгалик қиладилар, фойдаланадилар ва тасарруф этадилар.

3. Автоном областлар ва округлар ўз территорияларининг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлайдилар, ўз бюджетларини мустақил тузадилар ва ижро этадилар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий базасини мустаҳкамлаш тадбирларини амалга оширадилар, ўз ваколатлари доирасида нарх-навони белгилайдилар ва тартибга соладилар, ўз территорияларида табиатдан фойдаланиш лимитлари ва нормативларини белгилашда иштирок этадилар, Иттифоқ ва республика қонунларига мувофиқ хўжалик юритиш субъектларининг фаолиятига рухсат этадилар ва бундай фаолиятни тақиқлаб қўядилар, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширадилар, шунингдек ўз ваколатлари доирасидаги бошқа масалаларни ҳал қиладилар.

4. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари «СССРда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари тўғрисида»ги СССР Қонуни, ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг бошқа Қонун ҳужжатлари билан таъминланади.

5. Иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва округлар, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ССР Иттифоқи ва республикаларнинг Қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда ўз территорияларидаги корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг, улар ташкилий структурасининг тури ва мулкчилик шакллари қандайлигидан қатъи назар мустақиллигини ҳамда фаолиятининг тенг ҳуқуқий шарт-шароитларини таъминлайдилар.

8-модда. ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун масъулияти

1. ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар иқтисодий соҳадаги битимларда белгилаб қўйилган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки тегишлича бажарилмаганлиги учун жавобгар бўладилар. Мажбуриятларни бажармаганлик ёки тегишлича бажармаганлик учун жазо чоралари шу битимларда кўзда тутилади.

2. Иттифоқ ва республика бошқарув органлари, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг бошқарув органлари ўртасидаги иқтисодий битимлардан келиб чиқадиган хўжалик ишларига доир низоларни манфаатдор томоннинг ташаббуси билан СССР давлат арбитражи кўриб чиқади.

3. ССР Иттифоқи бошқарув органлари иттифоқдош ёки автоном республиканинг розилигисиз амалдаги қонунларни бузиб қабул қилинган ва республикага зарар етказган ўз қарорларини амалга оширганлари тақдирда, республиканинг талабига мувофиқ бундай қарорларнинг салбий оқибатларини тугатишга ва етказилган зарарни қоплашга мажбурдирлар.

4. Иттифоқдош ёки автоном республиканинг органлари бошқа республикалар ҳамда ССР Итифоқининг ҳуқуқларини ва Қонун ҳимоя қиладиган манфаатларини бузадиган қарорлар қабул қилган тақдирда етказилган зарарни шундай қарор қабул қилган республика тўлайди.

5. ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва округлар ўртасидаги иқтисодий масалаларга доир барча низолар, шу жумладан етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар улар сайлаган холис вакиллар томонидан ёки СССР Олий судида кўриб чиқилади.

9-модда. Иттифоқдош ва автоном республикалар иқтисодий мустақиллигининг алоҳида шартларини тартибга солиш

1. Республикаларнинг ташаббуси билан ССР Иттифоқи улар учун қонун йўли билан бошқа республикалар ва ССР Иттифоқининг қонуний манфаатларига путур етказмаган ҳолда алоҳида иқтисодий шароит ўрнатиши мумкин.

2. Хўжалик фаолиятининг айрим соҳаларидаги Иттифоқ ва республика бошқарув органларининг ваколатлари ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг ўзаро келишуви асосида қайтадан тақсимланиши мумкин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 10 апрель.

СССР Олий Советининг қарори

«ССР ИТТИФОҚИ, ИТТИФОҚДОШ ВА АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАЛАР ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. «ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар иқтисодий муносабатларининг асослари тўғрисида»ги СССР Қонуни 1991 йил 1 январдан кучга киритилсин.

2. СССР Министрлар Совети:

икки ой муддатда мазкур Қонунни амалга оширишни таъминлайдиган зарур қарорларни қабул қилсин;

ушбу Қонунга мувофиқ СССРнинг амалдаги қонунларига ва ССР Иттифоқи бошқарув органлари системасига ўзгартишлар тўғрисидаги таклифларни киритсин;

СССР ҳукумати ҳужжатларини 1991 йил 1 январга қадар мазкур Қонунга мувофиқлаштирсин ва СССР министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари ўз норматив ҳужжатларини, шу жумладан мазкур Қонунга зид йўл-йўриқларини қайта кўриб чиқиши ва бекор қилишини таъминласин;

иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари билан биргаликда икки ой муддатда мазкур Қонуннинг қоидаларига мувофиқ ССР Иттифоқини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, умумиттифоқ программаларини тузиш ва амалга ошириш, Иттифоқ бюджетини тузиш истиқболларини белгилаш тартибини ишлаб чиқсин.

3. СССР халқ депутатлари иккинчи Съезди томонидан тасдиқланган иқтисодиётни соғломлаштириш чоралари программаси амалга ошириладиган даврда давлат буюртмаси улушини изчиллик билан қисқартириш зарурлигини кўзда тутиб, давлат буюртмаларини ҳамда марказлаштирилган тартибда ажратиладиган ресурсларни тармоқлар ва йўналишлар бўйича тақсимламай иттифоқдош республикаларга, корхоналар ва ташкилотларга етказиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

4. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига республика қонунларига зарур ўзгартишлар киритиш таклиф қилинсин. Халқ депутатлари тегишли Советлари иттифоқдош ва автоном республикаларнинг автоном областлар ва округларнинг мазкур Қонун қоидаларига мувофиқ равишда ўзаро иқтисодий муносабатларга ўтишига доир ташкилий тайёргарлик ишларини олиб борсинлар.

5. СССР Олий суди ва СССР Давлат арбитражи мазкур Қонун билан СССР Олий суди ва СССР Давлат арбитражининг ваколатлари кенгайтирилганлиги муносабати билан СССР қонунларига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни олти ой муддатда СССР Олий Советига тақдим этсинлар.

6. 1991 йил 1 январдан бошлаб СССР Министрлар Советининг мазкур Қонун қоидаларига мос келмайдиган қарорлари, СССР давлат комитетлари, министрликлари ва идораларининг норматив ҳужжатлари қўлланилиши мумкин эмас.

СССР Олий Советининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 10 апрель.

ШАНБАЛИК ТАРАДДУДИ

ШТАБ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛМОҚДА

● Тошкент шаҳар жамоатчилиги доҳий В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллиги шарафига 21 апрелда ўтказиладиган шанбаликка пухта ҳозирлик кўряпти. Шаҳар Совети ижроия комитети ҳузурида тузилган шанбалик штаби навбатдаги йиғилишда меҳнат байрамига қандай ҳозирлик кўрилаётганини ҳисоб-китоб қилиб кўрди.

Шаҳар қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари А. Носиров таъкидладики, бош бошқарма корхоналари шаҳардаги энг йирик пудратчи ташкилот қурилишларига шанбалик куни 1,5 минг киши ажратади. Улар шаҳардаги тим ости бозори, политехника институти ўқув корпуси бунёд этилаётган жойларда, ижтимоий-маданий ва маиший соҳа объектларида машғул бўладилар.

Штаб йиғилишида шаҳар телефон тармоқлари раҳбарларининг таклифи ҳам эшитилди. Алоқачилар кабель ётқизиш ишларини олиб боришади. Шанбалик куни энг юқори кўрсаткичларга эришишмоқчи. Бу ишда қўшимча тарзда 300 киши иштирок этади.

БАРЧА ФАОЛЛИК КЎРСАТАДИ

● Оққўрғон ремонт корхонаси ишчи-хизматчилари 21 апрель куни меҳнатда алоҳида фаоллик кўрсатишга аҳд қилдилар. Ўнлаб темирчилар, токарлар, пайвандчилар ва бошқа касб эгалари ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлаб, 1671 минг сўмлик иш бажарадилар. Шу куни 2 та пуркагич ва чанглатгич аппарати, 2 та трактор ремонтдан чиқарилади.

Шу куни ишлаб топилган барча маблағ шанбалик фондига ўтказилади. Ўнлаб созловчилар ва хизматчилар корхона атрофини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида иштирок этиш истагини изҳор этдилар.

НУРЧИЛАР АҲДИ

— Ишда юз берган қолоқлик ўрнини шанбалик кунида тўлдириб оламиз, — деб аҳд қилишди «Ташсовет» электр тармоқлари бирлашмасининг меҳнаткашлари.

Бирлашма шанбалик штаби ана шу ниятни амалга ошириш юзасидан қатор тадбирлар белгилади. Нурчиларнинг аксарияти шанбалик куни ўз меҳнат жойларида баракали меҳнат қиладилар. Жумладан, улар Тошкент вилоятининг Чирчиқ, Оҳангарон, Ангрен, Олмалиқ шаҳарларида ва қатор ноҳияларда ишлаб чиқарган электр тармоқларини созлаш, маҳаллалар ва кўчаларни электрлаштириш билан шуғулланадилар.

Электрлаштириш тармоғи хизматчилари эса меҳнат байрамини коржомада ўтказиб, белгиланган участкаларда мевали, манзарали дарахт кўчатлари ўтқазадилар. Гулзорлар барпо қилинади.

Ж. ҚОСИМОВ.

НАМУНА КЎРСАТИБ

● Хоразм тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида болалар кийим-кечагини узлуксиз тайёрлаш йўлга қўйилди. Корхонанинг изланувчан ихтирочилари меҳнати билан цехлар қайта реконструкция қилинди. Илгари фойдасиз деб ҳисобланган тармоқ — болалар кийимларини тайёрлашни йўлга қўйиш яхшиланди. Воҳанинг кўпболали оналари корхона маҳсулотининг сифатидан жуда мамнун.

В. Задорина бригада бошлиғи, 19 йилдан бери шу корхонада ишлайди. Меҳнат зарбдори сифатида донг таратган.

Суратда: мусобақа илғори В. Задорина.

Қ. ОТАЕВ олган сурат (ЎзТАГ).

СССР Министрлар Советида

СССР Министрлар Совети дам олиш кунини 29 апрель якшанбадан 30 апрель душанбага ўтказиш, 1990 йил 28 апрель шанба кунини эса бошқа вақтда дам олиш куни бериш ёки шу куни ишлаганлик учун амалдаги Қонунга биноан ҳақ тўлаш шарти билан иш куни, деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилди. Ходимнинг хоҳишига биноан бу кунни тегишли ҳақ тўлаш шарти билан йиллик отпускага қўшишга ҳам рухсат берилди.

Кеча, 16 апрелда...

● *Ватанимизда*

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ—МУҲОКАМАДА

16 апрель куни эрталаб СССР Олий Советининг учинчи сессияси ўз ишини давом эттирди. СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг мажлиси бўлди. Унда Давлат, ижара, кооператив жамоат корхоналари ва бошқа корхоналар, бирлашмалар ҳамда ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳаси биринчи муҳокамада кўриб чиқилмоқда.

Мажлисда Қонуннинг муқобил лойиҳаси ҳам кўриб чиқилиши эълон қилинди.

СССР молия министри В. С. Павлов, Иттифоқ Советининг План ва бюджет-молия комиссиясидан халқ депутатлари В. Г. Кучеренко ва А. К. Орловлар доклад қилишди. Шундан кейин муҳокама бошланди.

Куннинг иккинчи ярмида шу Қонун лойиҳаси Миллатлар Советининг мажлисида биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

● *Жумҳуриятимизда*

МЕТАЛЛУРГЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Олис ва яқин Ҳиндистондан Ўзбекистон металлургия заводига телеграмма келди. Унда ҳиндистонлик пўлат қуювчилар Бекободда ўз маҳоратларини оширганликлари учун миннатдорчилик билдирилган. Тўрт йил мобайнида Бхилаи ва Визакхапатнам металлургия комбинатларининг 117 мутахассиси ўзбекистонлик ҳамкасблари ёрдамида ўз маҳоратини оширди.

ЮКСАК БАҲО

Самарқанд шаҳрида ишлаб чиқариш ва техникавий мақсадга мўлжалланган молларнинг регионлараро улгуржи ярмаркаси ниҳоясига етди. 80 га яқин корхона ва ташкилот бозори чаққон бўлмаган маҳсулотлар олди-сотдисини уюштирди. Улгуржи ярмаркада салкам 5 миллион сўмлик шартномалар имзоланди. Сургут, Тюмень, Омск, Уфа, Донецк вакиллари ярмарка натижаларига юксак баҳо бердилар.

● *Хорижда*

МУНОЗАРА МАВЗУСИ

БОННН. Шу кунларда Рейн дарёси соҳилларида бирлашган Германия пойтахти қаерда — Бонндами ёки Берлинда бўлиши керакми, деган мавзуда мунозара авж олиб кетди. Агар сиёсатчилар ҳам, жамоат арбоблари ҳам ҳар иккала шаҳар пойтахт бўлиши мумкинлиги тўғрисида хилма-хил нуқтаи назарларни ёқлаб чиқаётган бўлсалар, саноатчилар ва бизнесменлар учун бу савол га жавоб аллақачон равшандир. Парламент ва ҳукумат қаерда жойлашмасин, йирик концернлар ва фирмалар ҳар қандай ҳолатда Берлинда ўз филиалларини очиш ниятидадир.

Шаҳарнинг географик мавқеи ва унинг структураси, деб таъкидлади «Виртшафтсвохе» ҳафтаномаси, унинг йирик халқаро саноат-молия марказига айланиши учун ғоят зўр шарт-шароитларни вужудга келтиради.

МОЖАРО НАТИЖАСИ

НЬЮ-ЙОРК. Вашингтон маъмурияти одатдан ташқари можарони ҳал этиш йўлларини изламоқда. Ана шу можаро натижасида Пайн-Блаффдаги (Арканзас штати) химиявий қурол ишлаб чиқарадиган ҳарбий корхонада иш тўхтаб қолди. «Ньюсуик» журналининг хабар беришича, бу воқеа асабларни ишдан чиқариш хусусиятига эга бўлган зарин газини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган асосий компонент — хлорли тионилни Пайн-Блаффга етказиб бериш тўхтатиб қўйилгандан кейин содир бўлди.

(ТАСС ва ЎзТАГ материаллари асосида).

Халқ иродаси

Нуқтаи назар

АМАЛИЙ ҲАРАКАТГА БОҒЛИҚ

Ўзбек тилига Давлат мақоми берилганига ҳам анчагина вақт бўлиб қолди. Лекин ана шу қонун қандай амалга оширилаётгани билан тегишли ташкилотлар етарлича шуғулланмаётгани сезилиб қоляпти. Масалан, Ҳазорасп районидаги «Дружба» шаҳрини олайлик. Шаҳар номини эшитиб, шаҳарликлар байналмилал оила экан-да, деган фикр хаёлингиздан ўтади. Лекин шаҳар айлансангиз лавҳалар, шиор ва кўча номлари фақат рус тилида ёзилганининг гувоҳи бўласиз.

Шаҳар истироҳат боғи пештоқига йирик ҳарфлар билан «Культурно оздоровительний комплекс — «Туямуюнновец», деб ёзиб қўйилган. Жумҳурият аҳолиси учун бирдай ардоқли бўлган ал-Хоразмий, ал-Беруний, ал-Фаробий, Навоий, Улуғбек, Огаҳий, Муқимий, Аваз Ўтар номлари қўйилган бирорта мактаб, кўча ёки маданият масканини учратмадик. Географик жиҳатдан ҳам мантиқ жиҳатдан ҳам жойларга мос келмайдиган номлар тўлиб-тошиб кетган...

Дилимиздаги гапларни раисга айтармиз, деган умидда шаҳар ижроқўмига келсак, унинг пештоқида ҳам «ЎзССР Харезмская область исполнительный комитет Дружбинского городского Совета народных депутатов» деган ёзувдан бошқа гап йўқ. Керакли одамни тополмай турганимизда «Шарловуқ» маҳалла комитети котиби М. Қуриёзов келиб қолди, У кишига кўнглимиздаги гапларни тўкиб солдик.

— Буларнинг ҳаммасига авваламбор ўзимиз, қолаверса шаҳар ижроия комитети раҳбарлари айбдор, — деди у. — Албатта, рус тилида худди шундай ёзилсин, деб ҳеч ким бировга топшириқ бермаган. Худди шундай, ким нима ёзаётгани ҳам назорат қилинмаган.

Ҳамроҳимиз бу ерда шароитнинг анча оғирлигини ҳалиям отахонлар чойхонаси, масчит, сартарошхона, ҳаммом, кимёвий тозалаш пункти, кино-театр йўқлиги, ички йўллар асфальтланмагани ҳақида ҳам куйиниб гапирди:

— Тўғри, аҳволни яхшилаш, аҳолига қулайлик яратиш бўйича бирмунча ишлар қилинмоқда. Масалан, 1176 ўринли мактаб қурилди. Оз бўлсада телефон тармоғига эга бўлдик. Кўп болали оилаларга уй-жой қуриш учун ер берилди. Лекин буларга ҳозирги замон нуқтаи назаридан қаралса дарёдан томчидай бир гап.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг биринчи сессиясида республика Президенти ва Вазирлар Кенгаши раиси халқ фаровонлигини яхшилаш бўйича кўрилаётган тадбирлар ҳақида анча умидли фикрлар айтдилар.

Улардан бир айрича қониқиш сездик. Қанийди, жойлардаги раҳбарлар ана шу эзгу-ниятларни рўёбга чиқариш учун собитқадамлик кўрсатсалар. Ана шунда одамлар уларга ишониб, белгиланган режаларнинг амалга ошишига мумкин қадар кўпроқ ҳисса қўшардилар.

Р. РЎЗМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи муҳбири.

ХАЙРЛИ ТАДБИР

Ўзбекистон ССРни миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожлантиришнинг, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг асосий йўналишларини совхозимиз мутахассислари ва ишчи-хизматчилари билан атрофлича муҳокама қилдик. Партия ва ҳукуматимизнинг бу дастурини қўллаб-қувватлаймиз.

Районимиз Қарши чўлидаги қўриқ районлардан ҳисоблансада, меҳнаткашлар уй-жой қуриш учун ер сўраб ариза беришганида, имкониятдан келиб чиққан ҳолда олти сотих, баъзи ҳолларда қишлоқда саккиз сотих ер берган эдик. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу ер қишлоқда яшовчилар учун жуда кам. Биргина уй-жойнинг ўзи билан иш битмайди. Ошхона, молхона, ўтинхона ва шунга ўхшаш яна бир нечта қўшимча бинолар заруқ.

Буларнинг ҳаммаси ана шу олти сотихлик майдонга жойлашиши керак. Қўшимча бинолар қурилган олти ёки саккиз сотихли ҳовлига дарахт ёки сабзавот экиб маҳсулот олиб бўладими? Албатта, йўқ.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови муносабати билан Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастури барча меҳнаткашларга қо-

• Тажриба

билиятига қараб 15—20 сотихдан ер ажратиш борасидаги кўрсатмаси районимиз аҳолиси учун айни муддао бўлди. Биз ҳам ўз имкониятларимизни сарҳисоб қилиб кўриб, унумдор ерлардан меҳнаткашларга беришга келишдик.

Дастлаб уй-жой қуриш учун ариза берган кишиларнинг ҳужжатларини тўпладик. Биринчи навбатда ана шуларга 8 сотихдан эмас, 16 сотихдан ер бердик. Биргина шу йўл билан аҳолига ажратган майдонимиз 121 гектарни ташкил этди. 16 сотихдан уй-жой учун берилган ерларда боғ қилиш, мол боқиш, рўзғорга яраша сабзавот, полиз экинлари етиштириш мумкин.

Кўрган чора-тадбирларимиз туфайли, анчагина муаммолар ҳал бўляпти. Масалан, илгари совхозимиз меҳнаткашлари эртадан-кечгача далада ишлашарди-ю, лекин ўзлари учун бирор-бир маҳсулот етиштириш имкони йўқ эди. Баъзи ишчилар молларини пахта майдонлари атрофига боғлаб боқишарди, холос. Мана энди, ҳар ҳолда қўшимча имконият яратилди. Уйлаймизки, қўшимча ерга эга бўлган кишиларимиз замин саховатини ошириб, эл-юрт маъмурчилигига муносиб ҳисса қўшадилар.

А. САЙДАЛИЕВ,
Ульянов районидаги «Партия XX съезди» совхози ер ўлчовчи инженери.

МАРТ ОЙИ ПОЧТАСИ:

ЎТГАН ОЙ МОБАЙНИДА «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» РЕДАКЦИЯСИГА 1150 ТА ХАТ-ХАБАР, ШИКОЯТ КЕЛДИ.

•

ШУЛАРДАН 700 ТАСИ ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

•

ОЛИНГАН ХАТЛАРНИНГ ҚАРИЙБ 200 ТАСИНИ ГАЗЕТАМИЗДА ЧОП ЭТИЛГАН ТУРЛИ МАВЗУДАГИ МАТЕРИАЛЛАР ЮЗАСИДАН БИЛДИРИЛГАН ФИКРЛАР, ТАКЛИФ-МУЛОҲАЗАЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯ XXVIII СЪЕЗДИГА ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИНИ ЎҚИБ

Ишонч қозонилса

Айни кунларда мамлакатимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурини зўр қизиқиш билан ўқиб ўрганмоқдалар. Мен ҳам мазкур муҳим ҳужжат билан танишар эканман, Коммунистик партиямиз ўзининг бундан буёнги фаолиятида инсон ҳақида ғамхўрлик қилишга жуда катта эътибор беришга қатъий бел боғлаганлигидан жуда мамнун бўлдим.

Тўғри, илгари ҳам бизда жуда кўп яхши қарорлар, программалар қабул қилинган. Лекин кўпинча улар маҳаллий ташкилотларнинг эътиборида бўлмаганлиги, бюрократик тўсиқларга учраганлиги туфайли ҳам меҳнаткашлар манфаатига хизмат қилишига одамларда шубҳа туғилиб қолганди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мен дастурдаги кўзланган мақсадларнинг амалга ошиши учун, аввало, қўйи партия, совет органлари жон куйдиришлари, амалий ишлари билан обрў-эътиборларини янада юксалтиришлари лозим, деб ҳисоблайман. Чунки ҳозир жойларда қабул қилинган қарорларнинг айримлари КПССнинг Ҳаракат дастурига мутлақо зиддир.

Масалан, дастурда партия ногиронлар, уруш ва меҳнат ветеранлари аҳволини яхшилашга ҳаракат қилаверади, дейилган. Аммо ногиронларга ғамхўрликнинг ҳозирги даражаси талабга мутлақо жавоб бермайди.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига давлат магазинлари орқали маълум миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари берилади. Улар ҳафтасига 2 килограмм гўшт олишади. Лекин ногиронлар бундан маҳрумдирлар. Нари борганда уларга ойига 2—3 килограмм гўшт ажратилади, холос. Мен бу билан Ватан ҳимоячиларини ранжитмоқчи эмасман. Уларга қанча қилсак шунча оз.

Бироқ болаликдан ёки эл хизматида меҳнат қилиб, ногирон бўлганларга ҳам эътибор кўчайтирилса дейман. Бунинг учун район партия, совет органлари мавжуд имкониятларни излаб топиб, амалий чоралар кўрсалар, нур устига аъло нур бўларди. Ана шунда меҳнаткашлар партия тевараги да мустаҳкамроқ жипслашиб, у белгилаган режаларни бажаришда қатъий ишонч билан қатнашадилар.

Ж. ОЛИМОВА.
Тошкент шаҳри.

ЧЎЛҚУВАРЛАР

Исмоилжон Усмонов билан Соибжон Тоҳировлар мана 40 йилдирки пахтакорлик касбини улуғлаб келишаётир. Миришкорлар бундан 10 йил олдин Ховос районидаги янги очилган «Октябрь 70 йиллиги» совхозига кўчиб келишган эди. Улар шу давр мобайнида ўз ҳалол меҳнатлари билан тонналаб ҳосил етиштириб, қўриқ ерлар саҳоватини оширишди. Уста пахтакор сифатида эл-юрт олқишига, деҳқонлар ҳурматига сазовор бўлишди.

Айни кунларда И. Усмонов бош бўлган бригада далаларида чигит экиш авжида.

Суратда: И. Усмонов йириклаштирилган бригада етакчиси С. Тоҳиров билан.

П. Эргашев сурати.

ДАҚИҚАЛАР ОРТИДАГИ ҲАЁТ

Баҳор байрами арафасида катта-кичик, ёру-биродарларни, хасталарни кўриш ота-бобо ва момоларимизнинг удуми. Шу боис, Калинин ноҳиясидаги марказий шифохонага борган эдим, бош шифокор Одилбек Қолдибековни учратиб қолдим. У билан суҳбатимиз Улуғ Ватан уруши қатнашчиси бемор Ҳожи Каримов ҳақида борди.

Беморни оғир аҳволда, кўча машинасида шифохонага олиб келишди. Қон босими жуда ҳам кўтарилган эди. Нафаси бўғзига тиқилган, бемор хушини йўқотаёзган, қисқа клиник ўлим бошланганди. Шифокорлар Ҳамидулла Туранов, Шарипа Ўтегенова, Азиза Муҳамедова бемор бошида туриб, юрак уришини ўз измига солишди. Бемор ҳаётга қайтди.

— Дарҳақиқат, шифокорлар дақиқалар ортида ҳаёт бор, деб бежиз айтишмаган, — деди бемор Ҳожи Каримов. Мана менга ёруғ дунё яна насиб этди. Халоскорларимга мингдан-минг раҳмат!

Н. АБДУРАҲМОНОВ.

• Омма билан ҳамнафас •

Юрган дарё

Ўтирган бўйра, юрган дарё, дейишади. Интилсанг, ҳаракат қилсанг орзулар ушалаверади. Бунга бизнинг маҳалламиз ҳам бир мисол. Комитет аъзолигига янги кучлар қўшилгандан буён маҳалламизда жамоатчилик фаолияти кучайгандан кучайиб бормоқда. Маҳалланинг қиёфаси тобора ўзгариб боряпти.

Аввало, ҳашар йўли билан ариқлар тартибга келтирилди, кўчалар кенгайтирилди, мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Новвойхона, ёзги чойхона, саноат моллари магазини ва гўшт дўкони қурилиб, фойдаланишга топширилди. Болалар учун футбол майдончаси ташкил этишда ҳам маҳалла бинокорлари ғайрат кўрсатишди.

Маҳаллада оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар ҳам анча жонланяпти. Меҳнатга лаёқатли кишиларни ишга жойлаш юзасидан тегишли тадбирлар қўрилди. Уруш ва меҳнат ветеранлари, пенсионерлар ва қаровсиз қолган қарияларга ёрдам бериш билан шуғулланадиган алоҳида кишилар тайинланган.

Аммо қилаётган ишларимиздан ҳали чинакамига қониқаётганимиз йўқ. Чамаси турли маҳаллаларда олиб борилаётган ишларни ўрганиб боришимиз керак. Бунинг учун аввало халқ депутатлари шаҳар Совети ижрокоми бизга яқиндан ёрдам бериши лозим. Қолаверса республикамиз пойтахтидаги маҳалла ишларини йўлга қўйиш тажрибасини оммалаштириш керак, деб ўйлайман. Тошкент шаҳрида маҳалла комитетлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш ишлаб турибди. У қуйидан бўлаётган ташаббусларни оммалаштиришга изчил ёрдам беради. Бизда ҳам ана шундай кенгашнинг ташкил этилиши фаолиятимиз самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлар эди.

Т. АБДУЛЛАЕВ,
Наманган шаҳар «Мингчинор» маҳалла комитетининг раиси.

• Қўллаб-қувватлаймиз

Газетада «Халқ иродаси» рубрикаси очилиб хайрли иш қилинган. Яъни, халқимиз орасида саховатпеша одамлар кўп. Уларнинг ҳотамтойлиги ҳақида ёзиб турилса ёмон бўлмайди.

Очиғини айтганда саховат қилиш, меҳр-мурувват кўрсатиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Масалан, тўққизта фарзанди бор мендай одамнинг қўли калталик қилиши табиий. Лекин ҳар қандай шароитда мен ҳам бу хайрли тадбирга оз бўлса-да ҳисса қўшгим келади.

Шу боисдан «Халқ иродаси» саҳифа мақолаларини ўқиб, ундан илҳомланиб меҳр ҳақида қўшиқ ёздим. Унинг қалам ҳақини «Болалар фонди» ҳисобига ўтказишингизни сўрайман.

МЕҲР ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Яхшиларнинг қалбидан,
Меҳр аримас,
Меҳри дарё одамлар,
Асло қаримас.
Инсон бўлсанг оламга,
Меҳрингни сочгин.
Дўстлар учун юрагинг,
Эшигин очгин.
Кимки меҳрли бўлса,
Юз ёшдан ошар.
Одамларнинг қалбида,
Мангуга яшар.

Ҳар нарсадан одамнинг,
Меҳри зиёда,
Дард чекмасин ҳеч биров,
Ёруғ дунёда.
Меҳр-шафқатли доим,
Айлагин одат.
Бахтли бўлай десанг,
Шоир Саодат.

Саодат ТОЖИ,
Қамаши район, 1-мактаб.

• Муаммо

САРСОНЛИКДАН ҚУТУЛСАК

Бизнинг Нурота район социал-таъминот бўлимига сўзингга қулоқ соладиган ҳожатингни чиқарадиган, фикр-мулоҳазали мудир тайинланармикан? Мана, етти ойдирки, бўлажак мудир лавозимини эплаб туришга ҳаракат қилаётган инспекторлар муомаласидан тинка қурияпти. Айниқса, катта инспектор Саодат Наимова пенсия ёшидаги отахонлар билан муомалада улар кўнглини ололмаяпти. Ахир, кекса пенсионерлар район социал-таъминотига учраниш учун 80—100 километр йўл босиб келишади-я. Ўзим эса, давлатимизнинг пенсиялар ҳақидаги қўшимча имтиёзларини тушунолмаяпман. Саодат Наимова эса ҳар хил жавоб қилади. Бир пенсиянгизга 15 фоиз қўшимча ҳақ оласиз деса, бошқа куни нафақангиз ўзгаришсиз қолади, дейди. Мен уруш ногирони сифатида 155 сўм 97 тийин пенсия оламан. Шуни ҳам 150 сўми қўлимга тегади. Ҳайронман, бу ёғи нима бўларкин?

Саид ЯРҚУЛОВ,
Улуғ Ватан уруши ногирони.

• Таклиф

ПАРТИЯГА ТИКЛАНИШИ КЕРАК

Отахонни «Шўро» дейишади. Бунинг боиси бор. У киши ҳозир 90 ёшдан ошган. Соғлиғи яхши эмас. Зеро, у босиб ўтган йўл ёш авлод учун ибратли. Болалигини бойлар эшигида ўтказган Худойберди Жумаев Туркманистоннинг Керки шаҳрида туғилган бўлсада, Сурхондарёнинг Гагарин районидаги Қушмон қишлоғида камол топди.

Октябрь инқилоби Худойбердининг ҳаётида катта ўзгариш ясади. Йигирманчи йилларда комсомол бўлди. 1928 йили эса партия сафига қабул қилинди. Унга ишонч билдиришиб, қишлоқ шўросига раис этиб тайинлашди. Шу кундан бошлаб у Худойберди Шўро номини олди. Афсуски, кутилмаганда юз берган нохуш воқеа унинг ғайратини сўндирди. 1931 йили қишлоқ шўросига тегишли милтиқнинг йўқолиши Худойбердини айбсиз айбдор қилди. У оддий колхозчига айланди. Пахта тайёрлаш бўйича илғорлик юзасидан Қўқонда ўтказилган кўргазмада қатнашиб, тикув машинаси билан мукофотланди. Кейин қатаган йиллари бошланди. Унинг совуқ шабадаси Худойберди Жумаевга ҳам тегди. Ҳибсга олинди, айбсиз етти ой мобайнида қийноқли саволжавобларга дош берди. Лекин унинг иродаси букилмади. Озодликка чиқди. Катта Фарғона канали қурилишида иштирок этди. Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсуповлар билан суҳбатдош бўлди. Фарҳод ГЭСи қурилишига ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Яна колхозчи бўлди.

1953 йили Худойберди ўз онласи билан Сурхондарёнинг Ангор районидаги Калинин номли колхозга кўчиб келди. Шу ердан кексалик пенсиясига чиқди. Ҳозир унинг 11 фарзанд, 50 невараси бор.

Қайта қуриш, покланиш нафаси уфураётган айни кунларда тарихнинг «оқ доғлари» ювилмоқда. Биз ўйлаймизки, кекса большевикнинг партия сафига қайта тиклайдиган давр келди. Ноҳақ қатағонга учраган меҳнат кишисининг оқланиши адолат ва виждон иши бўлади, деган умиддамиз.

Эшбой ХОЛМЎМИНОВ,
тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси.

• Савол-жавоб

Ҳурматли редакция! Кейинги пайтда партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларга катта ғамхўрлик кўрсатиш, озиқ-овқат таъминотини яхшилаш учун амалий чора-тадбирлар кўрмоқда. Аҳолига томорқа ерлари ажратиб берилиши фикримизнинг далилидир. Томорқа олган киши аввало, у ерга бошпана солишни ўйлайди. Аммо иморат қуриш учун ҳаммада ҳам маблағ етарли эмас. Шундай ҳолда давлатдан қарз олишга тўғри келади. Айрим ҳолларда қарз олиш, олинган маблағ учун процент тўлаш бўйича тушунмовчиликлар бўлиб турибди, газетада қарз олиш тартиблари ҳақида мақола берилса ана шундай англашилмовчиликларга барҳам берилган бўларди.

Эгамберди ИБРОҲИМОВ,
Самарқанд районидаги С. Айний номли колхоз пудратчиси.

Редакция мухбири хатда келтирилган сўровга жавоб бериши республика жамғарма банки правленияси раиси Сайфиддин Бузрукхўжаевдан илтимос қилди.

Одатда ссуда қатъий аниқ мақсадлар учун берилишини айтиб ўтмоқ лозим. Масалан, шахсий уй қуриш, уларни капитал ремонт ва реконструкция қилиш, дала ҳовлиларида уйчалар бунёд этиш, сигир ва бузоқлар сотиб олиш ҳамда бошқа эҳтиёжлар учун давлатдан ссуда-қарз олиш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жамғарма банки томонидан бериладиган қарзлар миқдори ва уларни тўлаш муддатларига ўзгаришлар киритилди. Масалан, илгари шахсий уй қуриш учун 3 минг сўм ўн йил ичида тўлаш шарти билан берилган бўлса, ҳозир шаҳарда 25 йил ичида, қишлоқда 50 йил муддат билан тўлаш учун 20 минг сўм олиш мумкин.

Давлатдан пул олган киши уни нимага ишлатишини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши ва маблағни фақат шу мақсадда сарфлаши лозим. Текширишларнинг кўрсатишича, айримлар олган пулларини бошқа мақсадлар учун сарфлашмоқда. Масалан, сигир сотиб олиш учун олинган пулларга мебель, заргарлик буюмлари харид қилиб, тўй ва тантаналар ўтказишмоқда. Бундай ҳолларда берилган пул фақат муддатидан илгари қайтарибгина олинмай, кредитга берилган миқдордан 12 фоиз ундириш билан жарима ҳам солинади.

Қарзга пул беришнинг иккинчи шарти ундан маълум миқдорда процент ундирилишидир. Уларнинг миқдори қайси жойда берилганига қараб белгиланади. Масалан, қишлоқ жойларида кредит олган киши йилига умумий суммининг 2 фоизи, шаҳар ва шаҳар типидаги посёлкада яшовчи киши 3 фоизи миқдорида тўлов беради.

Шундай қилиб, қишлоқда яшовчилар 20 минг сўм қарз олсалар 31 минг сўм қилиб, шаҳарда яшовчилар 29 минг сўм қилиб қайтарадилар.

Баъзан қарз олиш учун жуда кўплаб ҳужжатлар талаб қилиняпти, деган эътирозлар ҳам бўлиб турибди. Шунинг учун керакли ҳужжатларни айтиб ўтмоқчиман. Масалан, уй солиш учун ариза бериш, қарзни қайтариш бўйича мажбуриятномани тўлғазиш, иш жойидан маоши ва ундан ушланадиган миқдор кўрсатилган справкани тақдим этиш кифоядир. Ишламаётган пенсионерлар нафақа дафтарчаларини тақдим этадилар.

Шу билан бирга шахсий уй қуриш учун район Совети ижроия комитетидан уй қуриш учун ер ажратилганлиги ва шу уйнинг смета нархи кўрсатилган справка топширадилар. Молхона, паррандахона, омборхона қуриш учун халқ депутатлари маҳаллий Советларидан олинган ва қарзга пул олувчи уй эгаси эканлиги ва унинг юқорида санаб ўтилган ёрдамчи бинолари йўқлиги ҳақидаги справка зарур. Шахсий уйни ремонт қилувчиларга маҳаллий Советлар томонидан берилган справкада эса бажарилиши керак бўлган ишлар кўрсатилиши даркор.

УЙ ҚУРУВЧИЛАРГА ЁРДАМ

ҚАЧОНГАЧА КУТАМИЗ?

Ҳурматли редакция! Балки бу ҳақда ёзмаслик керакмиди? Лекин кўпчиликнинг хоҳиш-иродаси билан баъзи эътирозли фикр-мулоҳазаларни қоғозга туширишга тўғри келди. Биз Янгийўл районида истиқомат қиламиз. Тимирязев номли совхозданмиз. Гапнинг ростини айтганда, йўл азоби бизни қийнаяпти. «Тошкент паррандачилик фабрикаси» маршрути бўйлаб автобус қатнови йўлга қўйилган. Лекин биз манзилга етиш учун соатлаб бекатларда туриб қолямиз. Бу йўлда «Ватан» посёлкаси, Энгельс ва Тимирязев номли ҳамда «Янгиобод» совхозларининг ишчиларига хизмат кўрсатиш ёмон аҳволда. Наҳотки, қатнаб турган автобуслар йўлини бизнинг қишлоқлар орқали ўтишини йўлга қўйишнинг иложи бўлмаса?

Р. МИРЗАКАРИМОВ,
совхоз ишчиси.

АХБОРОТ

ХИТОЙ ОЛИМЛАРИ САФАРИ

● **БУГУН Хитой Халқ жумҳурияти олимларидан бир гуруҳи Ўзбекистон бўйлаб сафарини бошлади.**

Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг таклифига биноан келган Шэнь Янь давлат дорилфунуни олимларининг мақсади икки олий ўқув юрти олимлари, ўқитувчилари ва талабалари ўртасида ҳамкорлик алоқаларни ўрнатишдир.

Меҳмонларни Тошкент дорилфунунининг ректори Э. Юсупов қабул қилди ва уларга олий билим даргоҳининг 70 йиллик таваллудига кўрилаётган тараддуд ҳақида гапириб берди.

Хитойлик меҳмонлар бир неча кун мобайнида Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларининг қадимий ёдгорликлари ва тарихий обидаларини зиёрат қиладилар.

Тошкент дорилфунуни ҳозир жаҳоннинг Вашингтон, Югославия, Иордания, ва Миср дорилфунунлари билан илмий ва амалий алоқалар ўрнатган.

САМАРҚАНД НАШРИЁТИ

● **БУГУН Ғафур Ғулом номли бадиий адабиёт нашриётининг Самарқанд шаҳри бўлими тайёрлаган Қуёш тақвими савдога чиқарилди.**

Эски ўзбек тақвимида ойлар, ҳафта, кунлар ҳақида маълумотлар берилган.

Янги ташкил этилган бу нашриёт бўлими шу кунларда Самарқанд адибларининг асарларини нашрга тайёрламоқда.

МУСИҚА ҲАФТАЛИГИ

● **БУГУН Москвада ўзбек мусиқаси ҳафталиги бошланади. Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси правленнесининг ранси Аҳмад Жабборов бу ҳақда қуйидагиларни маълум қилди:**

— Биз Ўзбекистон мусиқа маданияти вакиллари бу кўрикка муносиб тайёргарлик кўрганмиз. Пойтахтда бўладиган барча маданий тадбирларда ва учрашувларда элликдан ортиқ ижодкор қатнашади. Улар орасида бастакорлардан Икром Акбаров, Мирсодиқ Тожиев, Нурилла Зокиров, Султон Ҳайитбоев, Сайфи Жалил, Мустафо Бафоев ва бошқалар бор.

Москвада бўладиган камер мусиқаси ҳафталиги СССР Бастакорлар уюшмасининг ижодий уйида маҳоратимизни намойиш қилиш билан бошланади. Тадбирларда Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг Элдор Азимов бадиий раҳбарлигидаги камер оркестри, М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг Ўлмас Расулов бошчилигидаги мақомчилар ансамбли, ижрочилардан Ўзбекистон ССР халқ артисти Малика Аҳмедова, артистлар М. Юнусова, Т. Ражабов, Х. Абдуқодиров, педагог Ф. Умарова ва бошқалар қатнашадилар.



ИЖОДИЙ ҲИСОБОТ

● **М. Тошмуҳамедов номли Қашқадарё область музикали драма театри биносида Ўзбекистон ССР халқ рассоми Рўзи Чорневнинг кўргазмаси очилди. «Ер ва инсон» номи билан аталаётган бу кўргазмада мусаввирнинг янги асарлари санъат мухлислари ҳукмига ҳавола этилади.**

Суратда: Р. Чориев (ўртада) мухлислар билан суҳбатда.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим нозирлиги
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
КАФЕДРАЛАР БЎИИЧА
профессор-ўқитувчилар составидаги
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: саноат электроникаси, химиявий технология жараёнлари ва аппаратлари, информатика ва ҳисоблаш техникаси;

профессор: саноат электроникаси;

доцентлар: биринчи сиёсий иқтисод, иккинчи математика (2), этика, эстетика ва дизайн, тажрибавий ва назарий физика (3), электротехниканинг назарий асослари (2), саноат теплоэнергетикаси, умумий ва ноорганик химия;

катта ўқитувчилар: биринчи илмий коммунизм, биринчи сиёсий иқтисод, этика ва дизайн (3), иккинчи олий математика (2), электротехниканинг назарий асослари, амалий математика, саноат иссиқлик энергетикаси, қурилиш конструкциялари;

ассистентлар: этика, эстетика ва дизайн (2), иккинчи олий математика, электр системалари ва тармоқлари, тажрибавий ва назарий физика, амалий механика, қурилиш конструкциялари (дарслар ўзбек тилида олиб борилади).

Конкрус муддати — 10 майгача.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга жўнатилсин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй, 42-хона.

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР ЖАМҒАРМА БАНКЛАРИГА

Тошкент шаҳрида 1990 йил 10 апрелда ўтказилган 13-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ўзбекистон ССРнинг барча жамғарма банкларидаги ютуқли омонатлар бўйича қуйидаги счёт номерларига ютуқлар чиқди.

Счёт номерлари	Ютуқ миқдори (жамғармаларнинг ўртача суммасига нисбатан фоиз ҳисобида).
А-031	50
А-052	100
А-094	25
А-128	25
А-168	50
А-223	25
А-247	25
А-315	25
А-332	25
А-366	25
А-439	25
А-476	25
А-500	25
А-542	100
А-594	25
А-605	25
А-663	25
А-691	25
А-720	25
А-760	25
А-821	25
А-870	25
А-886	25
А-920	200
А-998	25

Счётлар сони мингдан ортиқ бўлган жамғарма банкларида кейинги барча минг рақамли сонлардаги ўша счёт номерлари ҳам ютди. Масалан, А-031, А-1031, А-2031, А-3031 ва ҳоказолар, А-1128, А-2128, А-3128 ва ҳоказолар.

Тираж комиссиясининг раиси — Тошкент шаҳар С. Раҳимов район ижроия комитети раиси — Н. Р. Раҳимбердиев.

Комиссиянинг масъул котиби — М. Х. Йўлдошева.

ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР ЖАМҒАРМА БАНКЛАРИГА

Тошкент шаҳрида 1990 йил 10 апрелда ўтказилган 95-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ўзбекистон ССРнинг барча жамғарма банкларидаги пул-буюм ютуқли омонатлар бўйича қуйидаги счет номерларига ютуқлар чиқди.

Счет номерлари	Ютуқ миқдори (жамғармаларнинг ўртача суммасига нисбатан фоиз ҳисобида)
В-011	100
В-059	25
В-093	25
В-153	25
В-185	25
В-227	25
В-250	25
В-292	25
В-339	25
В-380	25
В-439	25
В-466	25
В-510	25
В-555	100
В-592	50
В-616	50
В-672	25
В-717	25
В-729	25
В-790	25
В-835	25
В-847	25
В-901	200
В-928	25
В-988	25

Счётлари сони мингдан ортиқ бўлган жамғарма банкларида кейинги барча минг рақамли сонлардаги ўша счёт номерлари ҳам ютди. Масалан: В-011, В-1011, В-2011 ва ҳоказолар, шунингдек, В-901, В-1901, В-2901, В-3901 ва ҳоказолар.

Тираж комиссиясининг раиси Тошкент шаҳар С. Раҳимов район ижроия комитетининг раиси Н. Р. Раҳимбердиев.

Комиссиянинг масъул котиби — М. Х. Йўлдошева.

Қардошлар диёрида

ДЎСТОНА МУЛОҚОТЛАР

«Ўзбекистон ўқитувчиси — 90» туристик поездининг сафари давом этмоқда. Львов шаҳридаги Йўлдош Охунбобоев номли 70-ўрта мактабда уюштирилган учрашув, айниқса, эсда қоларли бўлди. Сафар қатнашчиларидан бир гуруҳи — Тошкент шаҳрининг Октябрь ва Собир Раҳимов районларидан келган ўқитувчилар ана шу мактабда ўзаро тажриба алмашдилар. Маълумки, Тошкентдаги 22-ўрта мактаб билан львовлик ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва дўстона алоқалар бошланганига қарийб чорак аср бўлди. Шу йиллар мобайнида львовлик ўқувчилар билан тошкентликлар ўртасида анъанавий бориш-келишлар йўлга қўйилди. Йўлдош Охунбобоев номли мактаб қошида Алишер Навоий номи берилган байналмилал дўстлик клуби борлиги ҳам таҳсинга лойиқ.

Бу мактаб коллективи 90 нафар педагог ва 1100 ўқувчидан иборат. Ҳозир дўстлик клуби Тошкентдаги Богдан Хмельницкий номли 76-ўрта мактаб коллективи билан ҳамкорлик қилиб турибди. Тошкентдаги мактабда эса украин ёзувчиси Я. Ярославский ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ ўзига хос клуб ташкил этилган. Мактабда уюштирилган учрашув чоғида тошкентлик меҳмонлар Наврўзи олам программаси асосида концерт қўйиб беришди.

— Қардошларимиз юртидаги мактабга Й. Охунбобоев номи берилиши икки халқ ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг тимсоли бўлиб турибди, — дейди Октябрь район халқ таълими бўлими методика кабинетининг мудири Д. Отабоева. — Бу мактабда таълим-тарбия бобида тўпланган бой тажриба ўрганса арзигулик. Ўқувчиларимизга «Львовсельмаш» заводи оталиқ ёрдами кўрсатар экан, ўйлаймизки, ижодий ҳамкорлигимиз ўз самарасини беради.

— Халқингизнинг бой маданий меросини ўрганиш мақсадида байналмилал дўстлик клуби аъзолари иш олиб бормоқдалар. Шу йил сентябрь ойининг охирида тошкентликлар билан ҳамкорлигимизнинг ўзига хос юбилейини нишонлаш ниятимиз бор, — дейди Охунбобоев номли мактаб директори В. Горин.

Украина пойтахти — Киев шаҳридаги учрашувлар ҳам тажриба мактабига айланди. Бу ердаги 195-ўрта мактаб коллективи катта-кичик ўн битта саноат корхонаси билан ҳамкорлик қилар экан. Мактабда украин тили ва адабиётига эътибор катта. Ўқитувчилар фаол ёшлар билан ҳамкорликда шоншуҳрат музейини ташкил этишибди. Шунингдек, мактаб қошида 53 минг дарслик, 18 минг бадиий адабиётга оид кутубхона ишлаб турибди.

Ўзбекистон ўқитувчиларининг сафари давом этмоқда. Жумҳуриятимиз мураббийлари қардош Украинанинг Мукачева шаҳрида ҳам учрашувлар ва дўстона мулоқотларда иштирок этдилар.

С. ЙЎЛДОШЕВА,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СПОРТ

АРҒУМОҚЛАР КИШНАСА

ЁКИ ЖУМҲУРИЯТДА ЧАВАНДОЗЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ХУСУСИДА

Ерни ларзага келтирган тулпор бир сакрашда баланд тўсиндан ҳатлаб ўтди-да, туёқларини кўтариб кишнади.

— «Пикап» клубимизнинг фахри, — деди спорт мастерлигига номзод Раззоқ Дониёров. У халқаро мусобақаларда «Пародист», «Эладия» сингари отларимиз шуҳратини давом эттиради... Шофиркон район агрокомбинати ҳузуридаги от спорти клуби яхши анъаналарга эга. Бундан ўттиз йил муқаддам у «Шофиркон» колхозида ташкил қилинган эди. Ўшанда чавандозлар маҳоратини ошириш учун колхоз раиси Искандар ака Ғофуров Тошкент от спорти олий маҳорат мактабидан Иван Васильевич Волклубовни таклиф қилганди.

Раззоқ Дониёров чавандозлик маҳоратини ўшандан ўрганган. 1964 йилги жумҳурият мусобақаларида у биринчи ўринни эгаллади. Тўрт марта Бутуниттифоқ мусобақаларида қатнашди. Спорт мастерлари ака-ука Мақсуд ва Носир Шокиров, Чори Жонпўлатов ҳам ўша йилларда камолотга эришдилар. Спорт клубида парвариш қилинган «Пародист», «Эладия» отлари Буюк Британия, Германия Демократик Республикасида бўлган мусобақаларда мухлисларни қойил қолдирганди.

Энди Р. Дониёров ўша шуҳратни қайта тиклаш илинжида. Яқинда уни спорт клуби директори вазифасини бажарувчи этиб тайинлашди. Узоқ йиллардан буён илк марта клуб раҳбарлигига чавандоз қўйилмоқда. Бундан илгари эса бу вазифани савдо ходими бажариб келган эди.

Бир неча йил муқаддам клуб «Шофиркон» колхозидан район агрокомбинати ҳисобига ўтказилди. Хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитида район хўжаликлари клубни ҳиссадорлик асосида сақлашмоқда. Бироқ қишлоқдаги чавандозлик мухлисларига европача от суришдан кўра, чавандозликнинг миллий турлари яқинроқ.

Биз клубга борганимизда Р. Дониёров ёш чавандозлар билан байрамларда намунали чиқиш бўйича машғулот ўтказаётган экан. Искандар Усмонов, Ҳайдар Ҳасанов ва бошқа ёш чавандозлар спорт мастерлиги нормасини бажаришга тайёрланишмоқда. Райондаги 18-ўрта ҳунар-техника билим юртининг бундай талабаларидан истеъдодли чавандозлар чиқиши шубҳасиз.

Шофиркон азалдан ўз чавандозлари билан машҳур. Жўра мўйлов, Раҳмон полвон, Тўра чавандоз сингари кўпкари усталарининг маҳорати ҳамон тилдан-тилга кўчади. Улар от ўйнатиб, майдонга чиққанларида улоқ бошқа чавандозларнинг қўлига ўтмас эди.

Ўтган йилнинг декабрида Куйбишев номли колхозда районнинг Ҳосил байрами муносабати билан ўтказилган кўпкарида ҳам биз пешонасини тангиб, улоққа чиққан кўплаб шофирконлик чавандозларни кўрдик. Ҳалиям «Шофиркон», Охунбобоев номли, «Ўзбекистон», «Ленинобод», Куйбишев номли, Ленин номли колхозларда ўнлаб ишқибозлар улоқ чопиш ниятида от боқишади. Аммо улар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайдиган ташкилот йўқ. Шунинг учун кўпкарининг олдинги шуҳрати ҳам унутилмоқда. Улоқчилар майдонга чиқишганда кўпроқ қамчига зўр беришади.

— Клубимизда ёшлар ўртасида спортнинг европача турларинигина эмас, балки миллий чавандозлик бўйича ёшларни тарбиялаш йўлга қўйилса, қандай бўларкин? — савол берамиз Раззоқ акага.

— Жуда яхши бўларди, — деди у бир фурсат тин олиб. — Аммо европача спорт мусобақаларига ўргатилган отлар миллий чавандозлик учун ярамайди. Бунинг учун алоҳида отларни парвариш қилишга тўғри келади... Афтидан бундай таклиф шофирконлик чавандозга маъқул тушди. У фикрини ривожлантириб, районда кўпкари санъатини равнақ топтириш йўллари тўғрисида мулоҳаза юрита бошлади.

Дарҳақиқат, миллий меросимиз сирасига кирувчи чавандозликни қайта тиклашга нима ҳалақит беряпти? Нега энди у алоҳида тур сифатида барча даражадаги мусобақаларда ўз ўрнини эгалламас экан. Кўпкарини ривожлантириш учун эса республикада моддий асос бор. Бу от спорти клубларидир.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Футбол

«Пахтакор»да аския

Спорт билан санъат ўртасида муштараклик бор. Айниқса, бу спортда энг юксак натижаларга эришилган онларда ёки нафис ҳаракатлар ўрнига қўйиб бажарилганда кўпроқ намоён бўлади. Диёримизда қадим вақтлар халқ сайиллари хонанда ва созандаларнинг ҳизмат қилиши, марду-майдонларнинг ўртага тушиши билан авжга чиқарди. Отахонларимиз бундай сайилларда кураш тушиб, кураги ер искамаган, улоқ чопиб, чарчамаган йигитларни яхши эслашади. Умуман, йигитларимизнинг мардона ҳаракатлари билан кўнгил очди ўйинларнинг мутаносиб бўлиши кўпчиликка маъқул келарди.

Шу мақсадда бугун «Пахтакор» командасининг ўз майдонида ўтказадиган дастлабки учрашуви олдидан «футболда аския» томошасини ўтказишга қарор қилинди. Ўйлаймизки, «пахтакор»чилар аския пайровларидан завқ олган мухлисларни ажойиб ғалаба билан янада мамнун этишга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун жумҳурият ёзувчилар уюшмаси қошида очилган муаллифлик бирлашмаси — «Ўсарфильм»нинг ижодий аҳли миллий, маънавий ва ижодий анъаналаримизни, инсоний қадриятларимизни, ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган удумларимизни тиклаш, жонлантириш, қолаверса, тарғиб этиш мақсадида хайрли ишга қўл урдилар. Ҳозирча 17 ва 20 апрель кунларига мўлжалланган «40 минутли қаҳқаҳа» билан футбол ишқибозларига қувонч улашиш кўзда тутилган.

Мухлисларни кулдириш мақсадида қўқонлик аскиячилар ташриф буюришган. Улар футбол ва шахмат мавзуларида пайровлар айтишиб, аския қиладилар. Чунончи, Йўлдошхон Носиров, Неъматхон Тошматов, Баҳодир Шокиров, Мансуржон Охунов, Мамасиддиқ Шераев, Ғанижон Маҳмудов, Муҳаббатхон Тошпўлатова каби кулги усталари мухлислар хизматида бўлишади. Футбол олдидан ўтказиладиган бундай тадбирларни анъанага айлантириш мўлжалланмоқда. Навбатдаги футбол учрашувларида Андижон, Марғилон ва тошкентлик аскиячилар ишқибозларнинг кўнгилларини овлашга ҳаракат қиладилар.

Ғ. МАҲМУДОВ,
А. ИНОҚОВ,
«Футболда аския» дам олиш ташкилий комитети аъзолари.



МАШҒУЛОТЛАР МУНТАЗАМ ЎТМОҚДА

Ишдан сўнг бўш вақтни қандай ўтказиш мумкин? Тошкентдаги «Матбуот» ишлаб чиқариш полиграфия бирлашмасининг меҳнат аҳли бунинг йўлини топди. Улар спорт тўгаракларида мунтазам қатнашмоқдалар. Барча қулайликларга эга бўлган 180 ўринли ётоқхона қурилиб фойдаланишга топширилиши туфайли шу имконият юзага келди. Бу ерда замонавий кутубхона, анжомлар билан жиҳозланган спорт зали бор.

Ишчи-хизматчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Уларнинг фарзандлари ҳам дарсдан сўнг спорт билан шуғулланишмоқда. Яна бир янгилик: бирлашма ҳудудида жойлашган мактаб ўқувчиларига ҳам спорт залида машғулот ўтказиш учун имкон берилаётир. Гимнастика, бокс тўгарагидаги машғулотлар, айниқса, мунтазам ўтмоқда, 200 дан зиёд мактаб ўқувчиси тажрибали икки устоз спортчи ёрдамида тўгаракларга қатнаётир.

Суратда: ёш спортчилар машғулотн.

В. МИЛЕНЬКИЙ олган сурат (ЎзТАГ).

ПЕШҚАДАМЛАР МАВҚЕИ

● Бугун СССР кубоги учун ярим финал учрашувлари ўтказилади. Пойтахт динамочилари билан темирйўлчилар, Киев динамочилари билан ЦСКА командаси ўзаро куч синашади. Ҳал қилувчи учрашув эса 2 май куни ўтказилади. Умуман, олий лига командалари мамлакат чемпионатининг саккизинчи тур ўйинларини якунлашди. Ҳозир пойтахт армиячилари 11 очко билан ягона пешқадам бўлиб туришибди. Москва динамочилари 10 очко билан иккинчи ўринда боришмоқда. Днепрчилар ҳисобида 9 та очко бор. «Помир» футболчилари ҳам бўш келмасликка ҳаракат қилишмоқда. Қардошларимиз 7 та ўйин ўтказиб, икки ғалаба, 6 очко билан саккизинчи ўринда боришмоқда.

ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧ

● БУГУН Швейцарияда бошланган жаҳон чемпионати қатнашчилари ўртасида иккинчи тур ўйинлари ўтказилади. Шайбали хоккей бўйича ўтказилаётган йирик баҳсда бу сафар СССР, Норвегия, Канада, ГДР, Швеция, Финляндия, Чехословакия ва АҚШ командалари иштирок этмоқда. Бундай мусобақада ҳамиша фахрли ўринларни эгаллаб келган совет хоккейчилари бўш келмасликка ҳаракат қилишмоқда. Бугун вакилларимиз ГФР командаси билан майдонга тушадилар. Хоккейчиларимиз жаҳон чемпионатининг биринчи босқич, дастлабки учрашувни Норвегия командаси билан ўтказишган эди.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА ҚАРАШЛИ РАҲБАР ХОДИМЛАР ВА МУТАХАССИСЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ РЕСПУБЛИКА ТАРМОҚЛАРАРО ИНСТИТУТИ

вакант вазифага

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ҳўжалик механизми ва иқтисодий таълим кафедраси профессори.

Конкурс муддати — 27 апрелгача.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, ГСП, Луначарское шоссеси, 75-уй.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
1 май соат 19.00 да
2 май, соат 15.00 ва 19.00 да
Ўзбекистон ССР халқ артисти
НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ
иштирокида
«АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК!»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЛЖОНОВА
ҚАТНАШАДИ

Программани сўз устаси Машраб НАЗАРОВ олиб боради.

Касса соат 11.00 дан очиқ.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

1-ЛИГА КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

53-СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

ФУТБОЛ

17 АПРЕЛЬ СОАТ 18.00 ДА

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «НИСТРУ» (Кишинев).

Танаффус пайтида спортбуюм лотереялари ўйналади.

Серия номерлари 50001 дан 52000 гача.

Биринчилик ўйинлари тантанали равишда соат 17.00 да очилади.

20 АПРЕЛЬ СОАТ 18.00 ДА

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «МЕТАЛЛУРГ» (Запорожье).

Танаффус пайтида спортбуюм лотереялари ўйналади.

Серия номерлари 52001 дан то 54000 гача.

КЎПЧИЛИК БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНЯПТИ.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/IV да **Истамбул фожиаси**, 18/IV да **Курорт**.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-16, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р 10028. № 89 ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12